всесторонне рассмотреть возможность участия в строительстве гидротехнических сооружений в Республике Таджикистан, в том числе Рогунской ГЭС, однако при условии соблюдения общепризнанных международных норм и стандартов по строительству таких объектов<sup>56</sup>.

В третьей главе «Партнерство Республики Узбекистан и ОБСЕ в сфере демократизации общества» особое внимание уделяется вопросам соблюдения на местах основных принципов построения демократического общества, являющейся важной сферой деятельности ОБСЕ. При этом, приоритетное значение со стороны организации придается взятым на себя обязательствам по наблюдению и оказанию практической помощи в области человеческого измерения и прав граждан в избирательной системе на местах.

В первом параграфе «Сотрудничество сторон в сфере «человеческого измерения» исследуются различия в подходах между восточной и западной демократией. При этом отмечается, что Узбекистан с первых лет независимости проводил выверенную политику модернизации государственного и общественного устройства, отвечающего международным стандартам.

Одним из важных действий на пути создания институциональных структур по защите прав и интересов человека связано с образованием в Республике Узбекистан Института Уполномоченного по правам человека при Олий Мажлисе (Омбудсмана). Инициатива по образованию такого института впервые была выдвинута руководством Узбекистана в феврале 1995 года<sup>57</sup>. При подготовке законопроекта был учтен опыт зарубежных Омбудсманов стран-членов ОБСЕ.

Процесс становления в Узбекистане Института Уполномоченного по правам человека при парламенте страны свидетельствует о соблюдении всех демократических принципов. В частности, в 1996 году в стране была начата работа над проектом Закона об Уполномоченном Олий Мажлиса по правам человека, в котором приняли участие все слои населения страны. Кроме того, при тесном сотрудничестве с ОБСЕ в Ташкенте регулярно проводились семинары по вопросам защиты прав и интересов человека. В организации этих мероприятий большую роль играет Бюро ОБСЕ по демократическим институтам и правам человека (БДИПЧ)<sup>58</sup>. Одно из таких мероприятий было организовано в сентябре 1996 года в г. Ташкенте. Это был семинар-совещание на тему: «Национальные институты по правам человека», в работе которого приняли участие представители стран-членов ОБСЕ, международных, неправительственных и общественных

---

<sup>56</sup> Совместное заявление президентов Узбекистана и Таджикистана Шавката Мирзиёева и Эмомали Рахмона по итогам переговоров в Душанбе. Правительственный портал Республики Узбекистан: [www.gov.uz](http://www.gov.uz).

<sup>57</sup> Положением об Уполномоченном Олий Мажлиса по правам человека, утвержденным Постановлением Олий Мажлиса от 29 августа 1995 года // Национальная база данных законодательства Республики Узбекистан: [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

<sup>58</sup> ТА представительства ОБСЕ в РУз. – Информация о деятельности ОБСЕ в Узбекистане в 1996 г. – С. 6.

организаций, средств массовой информации<sup>59</sup>. Таким образом, на основе тесного взаимодействия Узбекистана с ОБСЕ и практических мер, направленных на совершенствование институциональной структуры по защите интересов человека, на VIII сессии Олий Мажлиса Республики Узбекистан 24 апреля 1997 года, был принят Закон «Об Уполномоченном Олий Мажлиса по правам человека (Омбудсмане)»<sup>60</sup>.

Исходя из намеченных планов по формированию институциональной структуры по защите прав человека, в соответствии с международными стандартами, в Узбекистане был сделан важный шаг в данном направлении. С целью создания действенного механизма защиты прав и свобод человека, расширения сотрудничества с международными и правозащитными организациями, повышения культуры работников государственных учреждений и всего населения по вопросам прав человека, специальным Указом Президента Республики Узбекистан от 30 октября 1996 года был создан Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека<sup>61</sup>.

Примечательно и то, что демократические институты Узбекистана принимают активное участие во многих проектах международных организаций и, в частности, ОБСЕ, направленные на совершенствование в стране национальной системы по защите прав и интересов человека, выполнения тем самым международных обязательств в области человеческого измерения. Так, например, в 2016 году Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека осуществлял тесный контакт с Координатором проектов ОБСЕ в Узбекистане. На этой основе был реализован проект – «Повышение потенциала Национального центра Республики Узбекистан по правам человека по координации деятельности государственных органов и институтов гражданского общества в сфере выполнения международных обязательств Узбекистана по вопросам прав и свобод человека»<sup>62</sup>. В рамках данного проекта было подготовлено к изданию учебно-методическое пособие на тему: «Организация общественного контроля за исполнением законов в Республике Узбекистан».

---

<sup>59</sup> Нуриддинов Э.З. Международное сотрудничество Республики Узбекистан со странами Европы. – Ташкент: Чулпон, 2002. – С. 69-70.

<sup>60</sup> Закон «Об Уполномоченном Олий Мажлиса по правам человека (Омбудсмане)» от 24 апреля 1997 года // Национальная база данных законодательства Республики Узбекистан: [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

<sup>61</sup> Указ Президента Республики Узбекистан «О создании Национального центра Республики Узбекистан по правам человека» // Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан. – Ташкент, 1996. – № 10. – С. 45-46.

<sup>62</sup> Саидов А.Х., Бакаева Ф.Х., Муратова Д.К. Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека в 2016 году. – Ташкент: Vakriapress, 2017. – С. 91.

Во втором параграфе третьей главы «Взаимодействие Республики Узбекистан и ОБСЕ в деле совершенствования избирательной системы» подчеркивается, что согласно документу Копенгагенского совещания ОБСЕ перед государствами-членами организации выдвигаются следующие основные обязательства в деле совершенствования избирательной системы:

проводить свободные выборы через установленные промежутки времени;

позволить народу избирать целиком хотя бы одну палату законодательного органа;

гарантировать всеобщность и равенство избирательного права;

обеспечить право граждан занимать политические посты;

обеспечить право основывать политические партии и то, чтобы эти партии могли состязаться на основе равенства перед законом и перед действующими властями;

обеспечить возможность проведения предвыборных кампаний в атмосфере свободы и равенства, без использования административного воздействия, насилия, угроз или страха возмездия в отношении кандидатов, партий или избирателей;

обеспечить беспрепятственный доступ к СМИ на основании отсутствия дискриминации;

обеспечить соблюдение тайны голосования, честный подсчет голосов и честное и своевременное информирование общественности о результатах избирательного процесса;

обеспечить своевременное вступление в должность кандидатов, набравших достаточное количество голосов, и их возможности оставаться на посту, пока не истечет положенный срок пребывания у власти<sup>63</sup>.

В связи с этим, такой подход, установившийся в нашей стране, высоко оценивается со стороны экспертов БДИПЧ/ОБСЕ. В частности, они отмечают, что в Узбекистане имеется необходимая законодательная база, регулирующая деятельность ННО и политических партий, направленная на повышение их ключевой роли в демократизации общества, продвижении интересов граждан, обеспечение свободы объединения граждан.

В Республике Узбекистан за годы независимого развития, на основе установившегося законодательства неоднократно проводились как выборы Президента, так депутатов законодательной власти страны. На основе сделанных приглашений государственными органами Республики Узбекистан и руководствуясь рекомендациями Оценочной миссии, Бюро по

---

<sup>63</sup> Обязательства ОБСЕ в области человеческого измерения. Том II. Сборник документов в хронологическом порядке. ОБСЕ/БДИПЧ. – Польша: POLIGRAFUS, 2011. – С. 65-81.

демократическим институтам и правам человека (БДИПЧ)/ОБСЕ направляло Ограниченную миссию по наблюдению за выборами (ОМНВ) для наблюдения за выборами и избирательной системы, как Президента, так и депутатов в нижнюю палату Олий Мажлиса. В частности, выборы Президента Республики Узбекистан состоялись в 1991, в 2000, в 2007 и 2015 годах, а выборы в парламент страны имели место в 1994, в 1999, в 2008 и в 2014 годах.

В тоже время, в рамках своей деятельности по наблюдению за выборами в Республике Узбекистан, БДИПЧ обратило внимание на положительные тенденции в совершенствовании избирательной системы страны. В частности, были отмечены следующие положительные примеры: совершенствования правовой базы, призванное обеспечить соблюдение обязательства в соответствии с буквой закона; усилия по расширению взаимодействия и открытого диалога с участием всех без исключения политических соперников на выборах и гражданского общества в ходе разработки и проведения реформ<sup>64</sup>.

Параллельно с этим, БДИПЧ концентрирует свое внимание и на имеющихся просчетах, допущенных в ходе организации всей избирательной кампании в стране. Среди допущенных недостатков отмечаются следующие моменты: неравное применение правовых норм; системы регистрации избирателей, содержащие неточные данные, что приводит к нарушению всеобщности или равенства избирательных прав, а также к возможным неправомерным действиям; неравный доступ к СМИ и/или отсутствие сбалансированного освещения в СМИ соперников на выборах; нечестный подсчет и сведений поданных голосов.

## **ЗАКЛЮЧЕНИЕ**

Исследование в рамках диссертационной работы вопросов сотрудничества Республики Узбекистан с Организацией по безопасности и сотрудничеству в Европе (ОБСЕ) в деле решения актуальных задач страны, позволило прийти к следующим основным выводам.

1. Республика Узбекистан, обретя политическую независимость, одной из приоритетных задач страны определила необходимость выработки концептуальных основ внешнеполитической деятельности и выхода на международную арену. Приступая к реализации данной задачи, руководством страны за короткое историческое время была разработана стратегия, принципы и определены приоритеты внешнеполитической деятельности государства.

2. Узбекистан, как полноправный член мирового сообщества, исходя из приоритетов своей внешней политики, смог с первых лет независимости стать полноправным членом авторитетной международной структуры -

---

<sup>64</sup> Бюро по демократическим институтам и правам человека ОБСЕ. Годовой отчет за 2013 год. / БДИПЧ ОБСЕ 2014. – С. 13.

Организации по безопасности и сотрудничеству в Европе. При этом, цели и направления деятельности ОБСЕ совпадали с основными принципами и задачами внешней политики страны.

3. В условиях глобализации и быстро меняющегося мира, когда в прошлое ушли противостояния между Востоком и Западом, характерное для периода «холодной войны», на политической арене мира появился международный терроризм в качестве новой угрозы.

Международный терроризм со всеми сопутствующими ему явлениями, как распространение наркотических веществ и торговля людьми, превратился в главную угрозу безопасности и стабильности глобального масштаба. С учетом ключевой роли Узбекистана в регионе, наша страна выступает в качестве основной движущей силы ликвидации данных угроз. При этом, Узбекистан стремится максимально активно и в полном объеме использовать возможности таких международных организаций как ОБСЕ.

4. Острой проблемой, препятствующей эффективному и динамичному социально-экономическому развитию всего региона, остаются экологические проблемы. При этом, главными проблемными вопросами выступают ситуации, сложившиеся вокруг Аральского моря и рационального использования трансграничных водных ресурсов.

5. Важной сферой деятельности ОБСЕ остаются вопросы, связанные с соблюдением основных принципов построения демократического общества. В этих сферах между Республикой Узбекистан и ОБСЕ налажено прочное взаимодействие, что способствует формированию в стране устойчивой законодательной базы и необходимых институциональных структур, отвечающих современным международным стандартам.

В целях дальнейшего совершенствования сотрудничества Республики Узбекистан с ОБСЕ в решении актуальных задач страны видится целесообразным обратить внимание на следующие моменты.

1. Деятельности ОБСЕ требует пересмотра в части, касающейся минимизации политической ангажированности и использования двойных стандартов по отношению к отдельным странам и регионам, имплементации единых подходов ко всем государствам-участникам Организации.

2. Соответствующим министерствам и ведомствам Узбекистана целесообразно проработать и внедрить эффективные механизмы использования площадок структур ОБСЕ с целью лоббирования инициатив страны по вопросам безопасности и стабильности в регионе, а также продвижению национальных интересов Узбекистана.

3. Полагаем возможным активизировать участие Узбекистана в проектах и программах ОБСЕ, связанных с повышением правовой грамотности представителей фермерских хозяйств, малого и среднего бизнеса, а также внедрению мультилингвистического образования.

4. Дальнейшей активизации и систематизации требует взаимодействие сторон по линии межпарламентского сотрудничества, в частности, в рамках Парламентской ассамблеи ОБСЕ.

5. В сфере избирательной системы в Республике Узбекистан следует обратить внимание на соблюдение всех правовых норм по предоставлению равных возможностей депутатам для диалога с населением, а также для установления предвыборных дебатов для кандидатов, выдвинутых от разных политических партий.

6. БДИПЧ и наблюдателям от ОБСЕ в ходе предвыборных компаний, проводимых в Республике Узбекистан, следует в ходе освещения работы избирательной системы опираться на официальные источники с целью более объективного освещения и избежания искажённых представлений о происходящих процессах.

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ,  
ҚОРАҚАЛПОҚ ИЖТИМОЙИ ФАҢЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 27.06.2017. Tar.01.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**АЗИЗОВ ИЛЬДАР РАФАЭЛЬЕВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЕВРОПАДА  
ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ (ЕХХТ) БИЛАН  
МАМЛАКАТНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИШ  
БОРАСИДАГИ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИ (1991 – 2017 йй.)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2017.4. PhD/Tar219. рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.ik-tarix.nuu.uz](http://www.ik-tarix.nuu.uz)) ва “ZiyoNET” ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) Ахборот-таълим порталида жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Нуриддинов Эркин Зухриддинович**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Тулқин Алимардонов**  
сиёсий фанлари доктори

**Муртазаева Раҳбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон миллий университети ва Қорақалпоқ ижтимоий фанлар илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи тарих фанлари бўйича фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) 27.06.2017.тар.01.04. рақамли Илмий Кенгашнинг 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, Тарих факультети . 1-қават, 110-хона). Тел.: (99871) 246-02-24; e-mail: [info@nuu.uz](mailto:info@nuu.uz))

Диссертация билан Ўзбекистон миллий университетининг кутубхонасида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган) (манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 4-уй. Ўз МУ Тарих факультети . \_\_-қават, \_\_\_\_-хона). Тел.: (99871) 246-02-24; e-mail: [info@nuu.uz](mailto:info@nuu.uz)).

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.

(2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси билан).

**А. А. Маврулов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Д. Ж. Урақов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, т.ф.н., доцент

**Г. А. Агзамова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон миқёсида янги давр – глобаллашув даврининг бошланиши халқаро муносабатларнинг замонавий тизимини шакллантиришни, аниқроғи, халқаро ва минтақавий доирада юзага келадиган муаммоларни ўзаро ҳамжиҳатликда ҳал этиш заруриятини тақозо этади. “Кўп қутбли” дунёнинг юзага келиши халқаро майдонда янги мустақил давлатлар ва уларнинг сиёсий муносабатлари пайдо бўлиши билан кечиб, ҳамкорлик ва хавфсизликни таъминлашнинг янги кўринишларини шакллантириш масалаларига қўйилган талаблар ошиб бормоқда. Бундай вазиятда жаҳон мамлакатларининг тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини бирлаштиришда халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар (ХХТ) катта роль ўйнайди. Улар орасида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) муҳим ўринни эгаллайди.

Европа иттифоқи, МДХ давлатлари, АҚШ ва Канаданинг бир қатор етакчи илмий-таҳлилий марказларида ЕХХТнинг фаолияти билан боғлиқ изланишлар олиб борилмоқда. Мазкур тадқиқотларда, хусусан, ўзгариб бораётган геосиёсий вазият таъсирида ташкилотда рўй бераётган ўзгаришларнинг турли жиҳатлари, ЕХХТнинг минтақавий тинчлик ва хавфсизлик, экологик барқарорликни таъминлашдаги, демократик институтларни қўллаб-қувватлаш ва сайлов жараёнларини модернизация қилишдаги роли тадқиқ этилмоқда.

Ш.М. Мирзиёевнинг мамлакат Президенти этиб сайланиши билан Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатида янги давр бошланди. Бу, халқаро экспертлар ва хориж матбуотида келтирилган фикрларга кўра, ташқи сиёсий майдонда Ўзбекистон ўз фаолиятини тубдан ўзгартирганлиги ва кучайтирганлиги билан изоҳланади. Давлат раҳбарининг Афғонистондаги сиёсий вазиятни тартибга солишга қаратилган ташаббуси, 2018 йил мартда Тошкент шаҳрида Афғонистон масаласига бағишланган “Тинчлик, хавфсизлик йўлида ҳамкорлик ва минтақавий алоқалар” деб номланган конференция ўтказилганлиги бунга яққол мисол бўла олади. Бу Ўзбекистоннинг замонавий дунёда хавфсизликни таъминлаш борасидаги қарашлари бир қанча халқаро ташкилотлар, шу жумладан ЕХХТ ёндашувлари билан бир хил эканлигини кўрсатди. 2017 йилда ЕХХТ Бош котиби Т. Гремингер билан учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти: “ЕХХТ Бош котибининг мамлакатимизга ташрифи Ташкилот томонидан Ўзбекистонда ҳаётнинг барча жабҳаларида рўй бераётган туб ўзгаришлар, жумладан, демократлаштириш жараёни, инсон ҳуқуқлари, унинг эркинликлари ва манфаатларини таъминлаш, инвестиция муҳитини яхшилаш ва амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг бошқа муҳим жиҳатларига бўлган қизиқишнинг тасдиғи сифатида баҳоланмоқда”, – деб таъкидлаган эди<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> <https://mfa.uz/ru/press/news/2017/11/13059/Информационное сообщение МИД РУз об итогах встречи Президента республики Узбекистан с Генеральным Секретарем ОБСЕ>.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (1992 йил), Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепцияси (2012 йил), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони (2017 йил), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда ташқи сиёсий ва иқтисодий фаолиятнинг устувор йўналишларини амалга оширишда унинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони (2018 йил), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори (2017 йил) каби асосий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-маърифий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” дастури устувор йўналишига мос келади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти билан боғлиқ масалалар замонавий ватан тарихшунослигидаги янги йўналишлардан бири ҳисобланади. Ўрганилаётган муаммо бўйича яратилган адабиётлар кўламини эътиборга олиб, уларни икки гуруҳга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ.

*Биринчи гуруҳга* Ўзбекистонда яратилган асарлар, шунингдек докторлик ва номзодлик диссертацияларини киритиш лозим. Шу ўринда мамлакатнинг ташқи сиёсий фаолиятини қарор топтириш ва ривожлантириш тарихига бағишланган фундаментал асарларни ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ бўлади. Улар қаторига, энг аввало, А. Қосимов ва Л. Петров, шунингдек, А. Қосимов ва И. Васькин каби муаллифларнинг ҳамкорликда яратилган асарларини киритиш мумкин<sup>2</sup>. Мазкур ишларда мустақил давлат ва жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси саналган Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнларини ёритишга ҳаракат қилинган.

Э. Нуриддинов<sup>3</sup>, А. Қирғизбоев<sup>4</sup>, М. Раҳимов<sup>5</sup>, Л. Бобоҳўжаева<sup>6</sup> сингари муаллифларнинг тадқиқотлари, Х. Ғулумов ва А. Холлиев<sup>7</sup>, Р. Фармонов ва

---

<sup>2</sup> Касымов А., Петров Л. Внешняя политика Узбекистана в свете концепции ненасилия. – Ташкент, 1992; Касымов А., Васькин И. Основные направления внешней политики Республики Узбекистан. – Ташкент: Узбекистан, 1994.

<sup>3</sup> Нуриддинов Э.З. Суверенный Узбекистан в системе международных отношений // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – 1996. №6. – С. 21-30; Шу муаллиф. Становление нового типа экономических отношений Узбекистана с ведущими государствами Западной Европы // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – 1998. – № 1. – Б. 32-38; Шу муаллиф. Международное сотрудничество Республики Узбекистан со странами Европы. – Ташкент: Чулпон, 2002. – 216 с.; Шу муаллиф. Становление и приоритетные направления внешней политики Республики Узбекистан // O'zbekiston tarixi. – 2002. – № 4. – Б. 3-11; Шу муаллиф. Вклад Республики Узбекистан в обеспечение безопасности и стабильности в Центральной Азии // O'zbekiston tarixi. – 2005. – № 3. – Б. 22-31; Шу муаллиф. Некоторые вопросы безопасности во внешнеполитической

К. Жўраевларнинг ҳаммуаллифликдаги<sup>8</sup> асарлари Ўзбекистон Республикасининг чет мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан икки ва кўп томонлама ҳамкорлиги масалаларини ёритишда муҳим аҳамият касб этади. Э. Нуриддиновнинг Ўзбекистон Республикасининг Европа мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлиги масаласига бағишланган монографияси ўзининг услубий жиҳатлари билан алоҳида эътиборга моликдир. М. Раҳимовнинг тадқиқотлари ҳам мавзуни ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, муаллиф республиканинг халқаро алоқаларига бағишланган монографиясида Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий фаолияти доирасида минтақада барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлашдаги иштироки билан боғлиқ масалаларни очиб берган.

Хукукшунослар, сиёсатшунослар ва иқтисодчилар томонидан яратилган айрим асарлар ҳам муаммони тадқиқ этишда алоҳида аҳамиятга эга. Улар орасида А. Саидов<sup>9</sup>, Р. Хақимов<sup>10</sup>, И. Бобоқулов<sup>11</sup>, Н. Қосимова<sup>12</sup>, С. Сафоев<sup>13</sup>, Р. Алимов<sup>14</sup>, Ф. Толипов<sup>15</sup>, Ш. Арифханов<sup>16</sup> ва бошқа муаллифларнинг ишларини санаб ўтиш мумкин. Ушбу илмий ишларда Марказий Осиё геосиёсатининг айрим жиҳатлари, минтақа давлатларининг ҳозирги замон халқаро муносабатлари тизимини шакллантиришдаги

---

деятельности страны // Фалсафа ва ҳуқук. – 2011. – № 1. – Б. 94-97; Шу муаллиф. Республика Узбекистан в деле обеспечения региональной и глобальной безопасности // Тарих тафаккури. Тарихчи олимларнинг илмий-амалий мақолалар тўплами. V жилд. – Тошкент, 2014. – Б. 19-24; Шу муаллиф. Республика Узбекистан и современные вызовы Центральной Азии // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – 2015. – № 4. – Б. 6-13; Шу муаллиф. Республика Узбекистан – Япония: грани сотрудничества. – Ташкент, 2017. – 154 с.; Шу муаллиф. Появление новых участников современных международных отношений и изменение расстановки геополитических сил в них // SOL: I.I.TAS DOI: 10.15863/TAS\_International Scientific Journal Theoretical and Applied Sciencep-ISSN: 2308-4944 (print) e-ISSN: 2409-0085 (online) Year: 2018 Issue: 01 Vol. 57 Published: 30.01.2018 [http:// I-Science.org](http://I-Science.org). ва бошқалар.

<sup>4</sup> Қирғизбоев А.К. Ўзбекистон – Хитой: ҳамкорлик йўлида // Давлат ва ҳуқук. – 2002. – № 3. – Б. 70-73; Шу муаллиф. Интеграцион жараёнларда Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати // Хўжалик ва ҳуқук. – 2003. – № 2. – Б. 13-15; Шу муаллиф. Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлиги. – Тошкент: Фан, 2004. – 280 б. ва бошқалар.

<sup>5</sup> Раҳимов М. Международное сотрудничество Узбекистана в контексте обеспечения и устойчивого развития в Центральной Азии. – Ташкент: Yangi nashr, 2011. – 232 с.; Шу муаллиф. Современная история взаимоотношений Узбекистана и стран Центральной Азии с ведущими государствами мира. – Ташкент, 2016. – 224 с. ва бошқалар.

<sup>6</sup> Бабаходжаева Л. Международное культурно-гуманитарное сотрудничество Республики Узбекистан (период независимости). 2-е изд., перераб. и доп. – Ташкент: Фан, 2011. – 218 с.

<sup>7</sup> Гулямов Г., Холлиев А. Международные связи Республики Узбекистан с Великобританией и США. – Ташкент: Университет, 2002. – 118 с.

<sup>8</sup> Фармонов Р., Жураев К. Халқаро муносабатлар тарихи. – Тошкент: Фан, 2011. – 218 б.

<sup>9</sup> Саидов А. Халқаро ҳуқук. – Тошкент: Адолат, 2001. – 164 б.; Шу муаллиф. Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека в 2016 году. – Ташкент, 2017. – 414 с.

<sup>10</sup> Хақимов Р. Международно-правовые вопросы признания и правопреемства Республики Узбекистан. – Ташкент: Узбекистан, 1996. – 40 с.

<sup>11</sup> Бобоқулов И. Международно-правовые аспекты региональной безопасности: вопросы теории и практики. – Ташкент: УМЭД, 2010. – 231 с.

<sup>12</sup> Касимова Н. Центральная Азия: геэкономика, геополитика и безопасность. – Ташкент, 2002. – 206 с.

<sup>13</sup> Сафоев С. Марказий Осиёдаги геосиёсат. – Тошкент: ЖИДУ, 2005. – 160 б.; Шу муаллиф. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари // Халқаро муносабатлар. – 2005. – № 1. – Б. 5-10.

<sup>14</sup> Алимов Р. Центральная Азия: общность интересов. – Ташкент: Шарк, 2005. – 464 с.

<sup>15</sup> Толипов Ф. Большая стратегия Узбекистана в условиях геополитической и идеологической трансформации Центральной Азии. – Ташкент: Фан, 2005. – 153 с.

<sup>16</sup> Арифханов Ш. Центральная Азия: настоящее и будущее. Геополитика, геэкономика, безопасность. – Ташкент: Extremum Press, 2012. – 245 с.

иштирокига оид масалалар кўриб чиқилган ҳамда ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий масалалар билан боғлиқ муаммолар таҳлили келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятига доир масалалар қатор номзодлик ва докторлик диссертацияларининг тадқиқот объекти бўлиб хизмат қилди. Улар қаторига А. Холлиев<sup>17</sup>, Сунн Дон Ги<sup>18</sup>, Д. Мишарев<sup>19</sup>, А. Султанов<sup>20</sup>, Р. Асадова<sup>21</sup>, Н. Ғофуров<sup>22</sup> ва бошқаларнинг тадқиқотларини киритиш мумкин.

*Иккинчи гуруҳ* хорижлик муаллифларнинг асарларидан иборат. Улар орасида Ю.А. Борко, А.В. Загорский ва С.А. Карагановаларнинг ҳаммуаллифликдаги асари<sup>23</sup>, С. Жуков, О. Резникова, Л. Виноградова, В. Колесников<sup>24</sup> каби россиялик олимларнинг ишлари муаммони ўрганишда алоҳида қизиқиш уйғотади.

Бир қатор Ғарб олимларининг асарлари замонавий халқаро муносабатлар, шунингдек янги мустақил давлатларнинг ички ва ташқи сиёсати масалаларини ўрганишга бағишланган. Улар орасида Ғарб дунёсининг С. Хантингтон<sup>25</sup>, З. Бжезинский<sup>26</sup>, Г. Киссинджер<sup>27</sup> Ж. Барр, Колин Ферро, Шарлотта Ванг<sup>28</sup> каби сиёсатшунослари ва бошқаларнинг тадқиқотларини ажратиб кўрсатиб ўтиш мумкин<sup>29</sup>.

---

<sup>17</sup> Холлиев А.Г. Экономические, научно-технические и культурные связи независимого Узбекистана с Великобританией и США.: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1998. – 30 с.

<sup>18</sup> Сунн Дон Ги. Становление и перспективы экономических, культурных связей Республики Узбекистан и Южной Кореи.: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 2000. – 30 с.

<sup>19</sup> Мишарев Д. Экономические, научно-технические и культурные связи независимого Узбекистана с Германией.: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 2004. – 28 с.

<sup>20</sup> Султанов А.В. История сотрудничества Узбекистана со странами Европы в гуманитарной сфере. 1991-2001 гг. (на примере Австрии, Германии, Швейцарии): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 2005. – 27 с.

<sup>21</sup> Асадова Р.Б. Сотрудничество между Узбекистаном и Индией в области экономики и культуры: исторические основы и современное состояние (1991-2001 гг.): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 2007. – 27 с.

<sup>22</sup> Ғофуров Н.О. Ўзбекистон Республикасининг Хитой Халқ Республикаси билан иқтисодий, илмий ва маданий соҳалардаги ҳамкорлиги (1991-2001 йиллар): Тарих фан. ном. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – 29 б. ва бошқалар.

<sup>23</sup> Борко Ю.А., Загорский А.В., Караганов С.А. Общий Европейский дом: Что мы о нем думаем? – Международные отношения. 1991.

<sup>24</sup> Жуков С., Резникова О. Центральная Азия в мировой политике и экономике // США: ЭПИ, 1994. – № 12. – С. 65; Жуков С. Казахстан, Киргизстан, Узбекистан в социально-экономических структурах современного мира // Мировая экономика и международные отношения. – 1997. – № 3. – С. 22; Виноградова Л. Экономическая интеграция в СНГ и опыт третьего мира // Мировая экономика и международные отношения. – 1995. – № 9. – С. 34; Колесников В. Узбекская модель развития // Эксперт Евразии. – М., 2001.

<sup>25</sup> Samuel P. Huntington. The clash of Civilization? // Foreign Affairs, Summer. 1993. – P. 22-49; Шу муаллиф. Столкновение цивилизаций. – М.: АСТ, 2003.

<sup>26</sup> Бжезинский З. Великая шахматная доска: господство Америки и его геостратегические императивы: (перевод с английского) / Збигнев Бжезинский. – М.: Издательство АСТ, 2015. – 702 с.

<sup>27</sup> Киссинджер Г. Нужна ли Америке внешняя политика?. – М.: Ладомир, 2002.

<sup>28</sup> Жак Барр, Колин Ферро, Шарлот Ванг. Geopolitique de l'Uzbekistan. – Paris, Edition SPM, 2010. – P. 217.

<sup>29</sup> Aron R. Conflict and war from the new point of historical Sociology. – Z., 1994. – 172 p.; Apostolu A., Andrew M. The problems at creating Economies in Central Asia. From the gult to Central Asia. Players in the new great game. Ed. by A. Ehteshami, University of Exeter press. 1994; Goble P. A the 50 million muslim misunder – standing: The west and Central Asia: Players in the new great game. Ed. by A. Ehreshami, University of exeter press, 1994. – 109 p.; Kaser M., Mehrota S. The Central Economies after Independence. Royal Institute of International Affairs. – L., 1992. – 182 p.; The Central Asian Republics. Fragments of Empire Magnets of Wealth. – The Asia Society, 1994.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий кенгашининг 2018 йилнинг 29 мартада бўлиб ўтган 10-мажлисида тасдиқланган илмий-тадқиқот ишлари режаси (2016-2018 й.) доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон Республикасининг Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) билан замонавий долзарб муаммоларни ҳал қилиш борасидаги ҳамкорлигини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ўзбекистон Республикасининг замонавий халқаро муносабатлар тизимига интеграциялашуви тарихини ёритиш;

замонавий геосийосий кучлар тақсимооти шароитида ЕХХК/ЕХХТнинг ноёб халқаро тузилма сифатида шаклланиши ва ривожланишининг тарихий хусусиятларини очиб бериш;

Ўзбекистон Республикаси олдида турган долзарб вазифаларни ҳал этишда ЕХХТ фаолиятининг эътиборга лойиқ хусусиятларини асослаб бериш;

Ўзбекистон ҳамда ЕХХТнинг хавфсизликка таҳдидларга қарши ва барқарорлик учун курашиш йўлида ўзаро ҳамкорлигини кўрсатиб бериш;

Ўзбекистоннинг ЕХХТ билан экологик барқарорликни таъминлаш масалаларидаги ҳамкорлигини таҳлил қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг жамиятни демократлаштириш борасида ЕХХТ билан ҳамкорлигининг асосий йўналишларини очиб бериш, бунда асосий эътиборни “инсон омили” ва мамлакат сайлов тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларга қаратиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Республикаси ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ўртасидаги алоқаларнинг 1991 йилдан 2017 йилларгача бўлган даврда шаклланиши ва ривожланиши тарихи ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** Ўзбекистон Республикаси ва ЕХХТнинг мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, экологик барқарорликка эришиш, шунингдек “инсон омили”га оид долзарб масалаларнинг ечими билан боғлиқ вазифаларни ҳал қилишдаги ҳамкорлигининг муҳим жиҳатларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тарихийлик тамойили ва тизимли таҳлил, шунингдек, қиёсий-хронологик, мантиқийлик, холислик каби усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ЕХХТнинг XX асрнинг 90-йилларида Совет Иттифоқи ҳудудидаги этнослараро низоларни бартараф этиш ва тартибга солишда муҳим механизм сифатидаги етакчилик роли асослаб берилган;

ЕХХТнинг Ўзбекистондаги фаолиятининг шакл ва механизмлари ўзгариши сабаблари ҳамда ўзига хос хусусиятлари (Марказий Осиё

давлатларининг ҳар бири билан икки томонлама алоқаларга алоҳида аҳамият бериш, Ўзбекистондаги бир қатор ички сиёсий жараёнларни баҳолашда фикрлар хилма-хиллиги) аниқланган;

Ўзбекистонда ЕХХТ томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари салоҳиятини ошириш, демократик институтларни мустаҳкамлаш ва сайлов жараёнларига илғор қонунчилик стандартларини татбиқ этиш соҳаларида амалга оширилган лойиҳаларнинг юқори самарадорлиги ва натижадорлиги исботланган;

ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари Координаторининг республика давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан ишлашининг асосий шакл (қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, долзарб ижтимоий-сиёсий муаммоларни муҳокама қилиш учун майдон яратиш, моддий-техник базани молиялаштиришга кўмаклашиш ва бошқ.) ва усуллари (давлат ижтимоий-сиёсий қурилишининг турли жиҳатлари бўйича маълумотлар тўплаш ва таҳлил қилиш, қонунчилик нормаларининг Ғарб стандартларини тарғиб қилиш, давлат хизматчилари ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллариининг касбий малакасини ошириш ва бошқ.) аниқланган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари.**

Ўзбекистон Республикаси ва ЕХХТ ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш юзасидан амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси ва ЕХХТ ўртасидаги ҳамкорлик масалаларига оид материаллар ва янги ҳужжатлар илмий муомалага киритилган, улардан Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолияти масалаларига бағишланган монографиялар ва дарсликларни тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқотда тарих фанида тан олинган услуб ва ёндашувлардан, бирламчи манбалардан олинган материаллар, хусусан ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчисининг Тошкентдаги жорий архиви, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг архивларидан фойдаланилганлиги билан изоҳланади. Шунингдек, тадқиқотда юртимиз ва хориж муаллифларининг илмий асарларидан кенг фойдаланилган.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти жамиятни демократлаштириш, Марказий Осиё минтақасида хавфсизликни мустаҳкамлаш, мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ислохотларни қўллаб-қувватлаш соҳаларида Ўзбекистон ва ЕХХТ ўртасидаги муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва ривожлантиришдан, соҳадаги назарий билимлар ва методологик ёндашувларни ҳамда норматив-ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришдан иборатдир.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти уларнинг Ўзбекистон Республикасидаги замонавий сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий-

маънавий жараёнларни жадаллаширишга қаратилган мақсадли давлат дастурларини амалга оширишга хизмат қилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистон Республикасининг ЕХХТ билан ҳамкорлиги масалаларини тадқиқ қилиш жараёнида эришилган илмий натижалар ва ишлаб чиқилган амалий тавсиялар:

ЕХХТга аъзо давлатларнинг маҳаллий вакиллик органлари институционал асослари, шу жумладан, вакиллик органларининг назорат фаолиятини амалга ошириш борасидаги ижобий тажрибаларини татбиқ этишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида 2012 – 2016 йилларда бажарилган Ф1-089 “Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органларини либераллаштиришнинг давлат-ҳуқуқий йўналишлари” номли фундаментал лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2018 йил 8 февралдаги 01-10/270 сонли маълумотномаси). Лойиҳа якуни бўйича халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан назорат функцияларини амалга ошириш механизмлари такомиллаштирилди;

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси томонидан ЕХХТ билан ҳамкорликда амалга оширилган “Ёшларни ННТ фаолиятига жалб этиш йўли орқали фуқаролик фаоллигини ошириш” лойиҳасини тайёрлаш ва амалга оширишда фойдаланилган (ЎзННТМАнинг 2018 йил 26 апрелдаги 04-06/121-01 сонли маълумотномаси). Натижада “учинчи сектор”га кўнгилчиларни жалб қилишнинг янги замонавий усуллари жорий этилди, кўнгилчиларга муҳтож нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳамда бундай ташкилотларга ихтиёрий кўмак кўрсатиш истагида бўлган кўнгилчиларнинг базаси шакллантирилди. Нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбарларининг кўнгилчилар билан ишлашда касбий билимлари ва кўникмалари оширилди;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси томонидан ЕХХТ шафёблиги остида ташкил этилган “Ёшларнинг зўравонликка асосланган экстремизм, радикализм ва терроризмга қарши курашишдаги роли тўғрисида”ги халқаро анжуман концепцияси ва дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий Мажлис Сенати Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитасининг 2018 йил 7 майдаги 08-16/582-сонли далолатномаси). Хусусан, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг ушбу тузилма геосиёсий қамрови маконида барқарорликни таъминлашнинг кафолати сифатидаги ўрнини тарихий асослари, шунингдек ЕХХТ лойиҳаларининг Ўзбекистондаги мувофиқлаштирувчиси фаолиятининг асосий шакл ва усуллари таҳлили, шу жумладан ҳарбий-сиёсий жиҳатдан тадқиқ этиш натижаларидан фойдаланилган.

Натижада ёшлар орасида экстремизм, радикализм ва терроризмнинг авж олишига қарши курашда дунё ҳамжамиятининг салоҳиятини мувофиқлаштириш механизмлари такомиллаштирилди. Марказий Осиё минтақасида, шу жумладан мамлакатимизда бундай иллатга қарши туриш ва унинг олдини олиш бўйича янги йўналишлар белгиланди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари республика миқёсида ўтказилган 2 та ҳамда халқаро миқёсдаги 4 та илмий-амалий анжуманда муҳокама қилинди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 19 та илмий иш эълон қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола чоп этилган. Бундан ташқари, 14 та мақола республика ва халқаро илмий-амалий конференциялар материалларида ва журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, манбалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация тадқиқот қисмининг ҳажми 154 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги асослаб берилган, мақсад ва вазифалар таърифланган, диссертация объекти ва предмети аниқлаб берилган. Тадқиқотнинг фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги, унинг илмий жиҳатдан янгилиги ва амалий аҳамияти баён этилган, ишнинг синовдан ўтказилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг замонавий тизимида”** деб номланган биринчи бобида асосий эътибор мустақил Ўзбекистон ташқи сиёсий йўналишининг қонунчилик ва институционал асосларини шакллантириш билан боғлиқ масалаларга қаратилган, ЕХХК/ЕХХТнинг ташкил этилиши ва ислоҳ қилиниши тарихи таҳлил қилинган.

*“Мамлакатимизнинг халқаро майдонга чиқиши ва Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари”* деб номланган биринчи параграфда ишлаб чиқилган стратегия асосида мамлакат ташқи сиёсий фаолиятининг ҳуқуқий ва тузилмавий асосини, асосий тамойиллари ва йўналишларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш тарихи ўрганилган.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида юзага келган вазият мамлакатнинг миллий манфаатларини белгилаб олишни, халқаро майдонда жаҳон ҳамжамиятининг тўла ҳуқуқли аъзоси сифатида иштирок этган ҳолда Ўзбекистоннинг мустақил ташқи сиёсатини шакллантиришни тақозо этди. Замон талаблари асосида Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциясини назарда тутувчи мамлакат ташқи сиёсатининг пухта ўйланган стратегик мақсади ишлаб чиқилди. Бунда Ўзбекистон Республикаси

умумбашарий жараёнларнинг марказида бўлиши, жаҳон ҳамжамияти доирасида кўриб чиқиладиган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, экологик, илмий-техник, маданий-маънавий ва бошқа вазифаларни белгилашда ҳамда ҳал этишда тўла ҳуқуқли иштирокчи бўлиши кўзда тутилди. Стратегик дастурлар асосида Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг принциплари ишлаб чиқилди ва устувор йўналишлари белгилаб олинди.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг мустаҳкам қонунчилик базасини ва институционал тузилмасини шакллантириш учун шарт-шароитлар яратиб берди. Улар орасида, энг аввало, мамлакат Конституциясини ажратиб кўрсатиш зарур. Конституциянинг 17-моддасида Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилган. Шунингдек, ушбу тоифага “Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатия ваколатхоналари бошлиқларини тайинлаш ҳамда чақириб олиш тартиби тўғрисида”ги<sup>30</sup>, “Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ходимлари учун дипломатия даража ва мартабаларини белгилаш тўғрисида”ги<sup>31</sup>, “Ўзбекистон Республикасининг Консуллик уставини тасдиқлаш тўғрисида”ги<sup>32</sup>, “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида”ги<sup>33</sup>, “Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида”ги<sup>34</sup> қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, хорижий сармояларни жалб этиш ва химоя қилиш чоралари тўғрисида”ги<sup>35</sup>, “Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолият миллий банкини ташкил этиш тўғрисида”ги<sup>36</sup> фармонлари ва бир қатор бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни киритиш мумкин.

Кейинчалик жаҳонда ва мамлакатимизда олиб бориладиган ислохотларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг қонунчилик асосларига айрим тузатишлар ва тўлдиришлар киритилди. Улар

<sup>30</sup> “Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатия ваколатхоналари бошлиқларини тайинлаш ҳамда чақириб олиш тартиби тўғрисида”ги 1992 йил 3 июлда қабул қилинган 649-ХП-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни: [www.lex.uz](http://www.lex.uz) – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий маълумотлар базаси.

<sup>31</sup> “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган 172-И-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни: [www.lex.uz](http://www.lex.uz) – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий маълумотлар базаси.

<sup>32</sup> “Ўзбекистон Республикасининг Консуллик уставини тасдиқлаш тўғрисида”ги 1996 йил 29 августда қабул қилинган 261-И-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни: [www.lex.uz](http://www.lex.uz) – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий маълумотлар базаси.

<sup>33</sup> “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида”ги 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган 336-И-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни: [www.lex.uz](http://www.lex.uz) – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий маълумотлар базаси.

<sup>34</sup> “Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида”ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси. – Тошкент, 1992. – № 9. – Б. 153-154.

<sup>35</sup> “Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, хорижий сармояларни жалб этиш ва химоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси. – Тошкент, 1992. – № 9. – Б. 238-240.

<sup>36</sup> “Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолият миллий банкини ташкил этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси. – Тошкент, 1991. – № 11. – Б. 62.

2012 йилда Олий Мажлис томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг концепцияси”<sup>37</sup>, шунингдек 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>38</sup> ўз аксини топди.

Ўзбекистонда мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб мамлакатнинг ташқи сиёсий фаолияти манфаатларидан келиб чиққан ҳолда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишга алоҳида эътибор қаратила бошланди. Ушбу бобнинг “ЕХХК/ЕХХТ ноёб халқаро тузилма сифатида ва унинг Ўзбекистон Республикаси учун эътиборга лойиқ жиҳатлари” деб ном олган иккинчи параграфида ЕХХТнинг ташкил этилиши масалалари ва ташкилот фаолиятининг асосий йўналишлари, XXI аср бошида ташкилотда рўй берган ўзгаришларнинг сабаблари ўрганилган.

ЕХХТнинг ташкил этилиши “совуқ уруш” сиёсати авжига чиққан даврга тўғри келади. Шу муносабат билан ушбу ташкилотнинг ривожланиш тарихи ва фаолиятини шартли равишда икки босқичга бўлиш мумкин. Биринчи босқичга икки ижтимоий-сиёсий тизимнинг қарама-қаршилиги даврини киритиш мумкин. Бу зиддиятли даврда кескинликни юмшатиш учун ташланган оқилона қадам тарихда “Хельсинки жараёни” деб ном олган эди.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилиш учун кенгашни ўзида ифодаладиган “Хельсинки жараёни” 1973 – 1975 йилларда 35 та давлат иштирокида уч босқичда ўтказилган<sup>39</sup>. Финляндия пойтахтида 1975 йил 30 июлдан 1 августгача бўлиб ўтган якунловчи босқичда 35 давлат раҳбарлари Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши (ЕХХК)нинг Якунловчи Хельсинки ҳужжатини имзолаганлар<sup>40</sup>. Ҳужжат имзоланиши билан янги халқаро тузилма ташкил этилиши учун пойдевор қўйилган бўлиб, ташкилот доирасида Шарқ ва Ғарб мамлакатлари жаҳон сиёсати масалаларида умумий консенсус излаш учун бирлашдилар.

ЕХХКнинг ноёблиги ва янгилиги бир қанча муносабатларда намоён бўлди. Биринчидан, икки тизим қарама-қаршилигини ифодаловчи даврда ЕХХК кенг таркибга эга бўлиб, бунинг устига, унинг таркибига кирувчи барча давлатлар Кенгашда “тўлиқ тенглик шароитида суверен ва мустақил давлатлар” сифатида иштирок этди. Иккинчидан, у вақтда хавфсизлик масалалари муҳокама қилинадиган кўпчилик музокараларда ва ташкилотларда хавфсизликни таъминлашга турлича ёндашувлар мавжуд бўлиб, бу борада ЕХХКнинг ёндашуви кенг қамровли эди. Учинчидан, Кенгашда қарорлар консенсус билан қабул қилинар, шу сабабли қарор қабул қилиш жараёни кўпинча муҳим аҳамият касб этар эди. Тўртинчидан, ЕХХК

<sup>37</sup> Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг концепцияси. – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – Тошкент, 2012. – № 9/1 (1437).

<sup>38</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги Фармони // Халқ сўзи. 2017, 8 февраль.

<sup>39</sup> “Хельсинки жараёни”да АҚШ, Канада ва Альбаниядан ташқари, Европанинг 35 давлати вакили қатнашган.

<sup>40</sup> Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) маълумотномаси. – Вена, Австрия. 2000 йил. – Б. 11.

қарорлари юридик мажбурият юкламайдиган сиёсий қарорлар бўлиб, бу Кенгашга қулай имконият берар эди. Бешинчидан, ЕХХК доимий фаолият кўрсатадиган ташкилий-маъмурий тузилмаларга эга эмас, шу сабабли бу жараёнга туртки бериш мустақил тарзда амалга оширилар эди.

ЕХХКни институционал жиҳатдан ислоҳ қилиш бўйича узок йиллар олиб борилган ишлардан кейин ЕХХК аста-секин ташкилотга айланди. Бу ҳолат Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши (ЕХХК) номини ўзгартиришни тақозо қилди. Бу ҳақдаги қарор 1994 йил 5-6 декабрь кунлари Будапештда юқори даражада бўлиб ўтган учрашувда қабул қилинди ва 1995 йил 1 январда кучга кирди<sup>41</sup>.

Ушбу ислоҳот доирасида ЕХХК хавфсизликни таъминлаш масаласида комплекс ёндашувга содиқлигини яна бир бор кўрсатди. Бунда қуйидаги учта йўналишда – ҳарбий-сиёсий, иқтисодий, экологик ва инсон манфаатлари борасида фаолият олиб бориш назарда тутилган эди. Шу қарор билан Ташкилот раҳбар органларининг тузилмасига тузатишлар киритилди.

ЕХХКнинг Будапешт саммити шу жиҳати билан муҳим бўлган эдики, унда XXI асрда хавфсизлик модели қандай бўлиши лозимлиги муҳокама этилган ва анжуманда “Хавфсизликнинг ҳарбий-сиёсий жиҳатларига доир ҳулқ-атвор кодекси”<sup>42</sup> тасдиқланган. Кодексда демократик жамиятда қуролли кучларнинг ролини белгилаб берувчи тамойиллар баён этилган.

Замонавий дунё тузилишига доир кўпчилик масалаларда Ўзбекистон Республикаси ҳамда ЕХХТ қарашлари ва ёндашувларининг бир хиллиги ўзаро яқин ҳамкорлик ўрнатилиши учун ўзига жалб қиладиган куч (ёки асос) бўлиб хизмат қилди. Улар қуйидагиларда ифодаланади:

халқаро муносабатларнинг замонавий тизимини шакллантириш масалаларига миллий манфаатлар ва жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш борасидаги қарашларнинг ўхшашлиги;

нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё минтақасида тинчликни сақлаш, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалалари бўйича томонларнинг нуқтаи назарлари;

қўшма лойиҳаларни амалга ошириш орқали республика иқтисодиётини модернизациялаш, ички ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда ЕХХТнинг улкан тажрибасини кенг қўллашдан томонларнинг ўзаро манфаатдорлиги;

томонларнинг инсон манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилган ҳолда демократик жамият қуришдан манфаатдорлиги. Бунда фуқаролик жамиятини қуриш, демократик институтлар ва қонун ҳужжатларини мустаҳкамлаш соҳасидаги замонавий демократик стандартларни ва ҳуқуқ нормаларини имплементация қилишда ЕХХТ кўмак бериши мумкинлиги эътиборга олинган.

---

<sup>41</sup> Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ)нинг маълумотномаси. – Вена, Австрия. 2000 йил. – Б. 11.

<sup>42</sup> Кодекс поведения, касающийся военно-политических аспектов безопасности: <http://www.osce.org/node/41359>

**“Хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалаларида Ўзбекистон Республикаси ва ЕХХТ ҳамкорлиги”** деб номланган иккинчи бобда терроризм, экстремизм, одам савдоси, гиёҳвандлик, миллатлараро низоларнинг олдини олиш, шунингдек Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш каби умумбашарий ва минтақавий таҳдидларни ЕХХТ ёрдамида бартараф этиш масаласига асосий эътибор қаратилган. Тадқиқотда минтақадаги экологик барқарорликни таъминлашга ЕХХТнинг қўшаётган ҳиссасини ёритиш муҳим ўрин тутди. Ушбу бобда томонлар ҳамкорлигининг турли тарихий босқичларида Ўзбекистон ва ЕХХТ ўртасидаги муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари, ўзаро ҳамкорликнинг шакли, механизми ва интенсифлигида рўй берган ўзгаришларнинг сабаблари аниқланган.

Ушбу бобнинг *“Ўзбекистон ва ЕХХТ хавфсизлик ва барқарорликка замонавий таҳдидларга қарши кураш йўлида”* деб номланган биринчи параграфида хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ масалалар ЕХХТ саммитларида бир неча марта муҳокама мавзуси бўлганлиги таъкидланади. Хусусан, 1990 йил ноябрда ўтказилган Париж учрашувида жаҳон сиёсий майдонидаги умумбашарий ўзгаришларни инобатга олган ҳолда дунёнинг тузилиши ва унинг келажаги илк бор муҳокама этилди. Унда “Янги Европа учун Париж хартияси”<sup>43</sup> тузилди. 1992 йилда ЕХХК/ЕХХТнинг “Ўзгариш даври таҳдидлари” деб номланган Хельсинки ҳужжати қабул қилиниши кейинги муҳим қадам бўлди<sup>44</sup>.

Шунингдек, халқаро сиёсатнинг муҳим масалалари юзасидан мамлакатимиз ва ЕХХТ нуктаи назарларининг бир хиллиги Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатида Европа омили муҳим ўрин эгаллашидан далолат беради. 1995 йил октябрда Тошкентда ЕХХТнинг Марказий Осиё билан алоқалар бўйича бюроси очилганлиги ўзаро ҳамкорликдаги муҳим қадамлардан бири бўлиб, бу ЕХХТ ва ушбу минтақа республикалари ўртасидаги алоқалар ва ҳамкорликни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшди<sup>45</sup>. Бу воқеа 1992 йилда ЕХХТ ва Ўзбекистон ўртасида бошланган ҳамкорликнинг давоми бўлди. Бюро 1992 йилда қабул қилинган ЕХХТнинг Марказий Осиё учун махсус ташаббусини бажариш бўйича иш олиб борди. Бюронинг вазифалари ЕХХТ институтларини минтақа тўғрисидаги ахборотлар билан таъминлаш, маҳаллий университетлар, тадқиқот институтлари ва ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар билан алоқаларни кўллаб-қувватлаш, ЕХХТ принципларига риоя этилишига кўмаклашиш, ЕХХТ минтақавий семинарларини ташкил этиш ва ЕХХТ делегацияларининг юксак даражадаги ташрифларини амалга оширишда

---

<sup>43</sup> Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ)нинг маълумотномаси. – Вена, Австрия. 2000 йил. – Б. 28.

<sup>44</sup> Ўша ерда.

<sup>45</sup> ЕХХТнинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси ТА. – ЕХХТнинг Ўзбекистондаги фаолияти тўғрисидаги ахборот. 1995 йил.

ёрдам беришдан иборат<sup>46</sup>. Бюро 1995 – 1999 йилларда Тошкентда фаолият кўрсатди.

Ўзбекистон ва ЕХХТ ўртасидаги ҳамкорликнинг кейинги босқичи 1999 йилда бошланиб, бу пайтда Марказий Осиё мамлакатларида ташкилотнинг алоҳида ваколатхоналари очилиши муносабати билан ЕХХТнинг Тошкентдаги Марказий Осиё билан алоқалар бўйича бюроси ЕХХТнинг Тошкентдаги маркази номи билан қайд этилган эди<sup>47</sup>. Ҳамкорликнинг бу даври икки томонлама алоқаларнинг кучайганлиги, шунингдек икки томонлама ҳамкорликнинг кўп қиррали эканлиги билан изоҳланади.

Икки томонлама муносабатларнинг учинчи босқичи 2006 йилдан бошланган ва ҳозирги пайтгача давом этмоқда. Жумладан, 2006 йилда Ўзбекистоннинг ташаббусига кўра, Ташкилотнинг Доимий кенгаши томонидан Тошкент шаҳридаги ЕХХТ Маркази ўрнига ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳаларининг мувофиқлаштирувчиси (ЛМ) идорасини таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилинди<sup>48</sup>. Ҳамкорликнинг ишлаб чиқилган шакли ЕХХТ фаолиятини Ўзбекистон томони учун устувор лойиҳаларни амалга оширишга қаратиш, бунда “инсон омили”нинг турли жиҳатлари бўйича айрим мунозарали сиёсий масалалардан четлашиш имконини берди.

Шу тариқа ўзаро ҳамкорлик натижасида ЕХХТ ЛМ томонидан 2007 йилдан 2017 йилгача бўлган вақт мобайнида жами 12 млн. евродан ортиқ маблағга эга бўлган 150 та лойиҳа амалга оширилди. 2017 йилда умумий бюджети 1.499.500 евро бўлган 15 лойиҳа амалга оширилиши тасдиқланди. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ЕХХТ лойиҳалари республикамиз муассасаларининг хавфсизлик, барқарор иқтисодий-экологик ва ижтимоий тараққиёт соҳаларидаги институционал имкониятларини ривожлантиришга техник кўмаклашишга қаратилган<sup>49</sup>.

Бу вақт давомида Ўзбекистон Республикаси ЕХХТ ЛМ билан биргаликда одам савдоси, террорчилик ва экстремизм, гиёҳванд моддалар савдосига қарши кураш ва бошқа мақсадларга қаратилган қатор лойиҳаларни амалга оширди.

Масалан, одам савдоси масалалари бўйича ҳуқуқ-тартибот идоралари терговчилари, божхона ходимлари ва судьялар учун амалий анжуманлар, шунингдек ИИБ ходимлари учун тергов олиб бориш масалалари бўйича ўқув тадбирлари ташкил этилди. 2010 йилда адвокатларнинг касбий маҳоратини ошириш бўйича ишлар ташкил этилди. Унда ЕХХТ Лойиҳаларни мувофиқлаштирувчиси раҳбари одам савдоси қурбонларни тегишлича ҳимоя қилиш борасидаги таклифни илгари суриб, ҳуқуқий ҳимоянинг самарали

<sup>46</sup> ЕХХТнинг ЎзРдаги ваколатхонаси ТА. – ЕХХТнинг Ўзбекистондаги фаолияти тўғрисидаги ахборот. 1995 йил.

<sup>47</sup> ЕХХТнинг ЎзРдаги ваколатхонаси ТА. – ЕХХТнинг Ўзбекистондаги фаолияти тўғрисидаги ахборот. 1999 йил.

<sup>48</sup> ЕХХТнинг ЎзРдаги ваколатхонаси ТА. – ЕХХТнинг Ўзбекистондаги фаолияти тўғрисидаги ахборот. 2006 йил.

<sup>49</sup> <https://mfa.uz/ru/cooperation> - Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар Вазирлиги сайти.

воситаларидан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш борасидаги мулоҳазаларини билдирди<sup>50</sup>. Бундан ташқари, худди шу йили одам савдоси қурбонлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бағишланган халқаро амалий анжуман ўтказилиб, унда экспертлар тажриба алмашиш, қийинчиликларни аниқлаш ва уларга ечим топиш имкониятига эга бўлдилар<sup>51</sup>. 2014 йилнинг сентябрь ойида Тошкент шаҳрида одам савдоси масалаларига бағишланган йирик тадбир бўлиб ўтди<sup>52</sup>.

2015 йили Лойиҳалар мувофиқлаштирувчиси Гиёҳванд моддаларни назорат қилиш миллий марказига Идоралараро миллий онлайн маълумотлар базасини шакллантиришда ёрдам кўрсатди. Ушбу маълумотлар базаси фойдаланувчиларга олиб кўйилган гиёҳванд моддалар, прекурсорлар ва психотроп моддалар ҳақидаги зарур маълумотларни топиш имконини берди, шунингдек гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига қаршилик кўрсатиш соҳасида маълумот алмашинувини осонлаштирди<sup>53</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқ-тартибот идоралари салоҳиятини оширмасдан террорчилик, экстремизм, одам савдоси ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши самарали курашиш мумкин эмас. Бу масаладаги Ўзбекистон ва ЕХХТ ўртасидаги самарали ҳамкорлик натижасида катта тажриба тўпланган. Жумладан, 2007 йилдан ЕХХТ ЛМ ва ИИВ Академияси ҳамкорликда «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида ҳуқуқ-тартибот органлари учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга кўмаклашиш» деб номланган қўшма лойиҳани амалга оширмоқдалар<sup>54</sup>.

Ушбу бобнинг “*Ўзбекистон ва ЕХХТнинг экологик барқарорликни таъминлашдаги ҳамкорлиги*” деб номланган иккинчи параграфида томонларнинг экологик мувозанатни таъминлаш борасидаги ўзаро алоқалари тадқиқ қилинган. Унда Орол экологик инқирозини ҳал қилиш, чегаралараро дарёлардан фойдаланиш ва уран чиқиндиларини сақлаш жойларидаги хатарларни бартараф этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Марказий Осиёда минтақавий миқёсдаги мураккаб экологик вазият қайд этилаётган бир пайтда икки асосий муаммо биринчи ўринга чиқади. Улардан биринчиси Орол денгизининг қуриши ва бундан келиб чиқадиган салбий оқибатлар билан, иккинчиси Сирдарё ва Амударё каби чегаралараро дарёларнинг сув захираларидан унумли фойдаланиш масалалари билан боғлиқ.

Орол муаммосига ечим топиш учун Ўзбекистон раҳбарияти томонидан халқаро тузилмалар, хусусан, ЕХХТ билан яқин ҳамкорликда амалий чоралар кўрилмоқда. Бу жараёнда Оролни қутқариш Халқаро жамғармаси Агентлиги бевосита иштирок этмоқда. Жумладан, 2010 йилда Оролни қутқариш Халқаро жамғармаси Агентлигининг ЕХХТ билан “Сув ресурсларидан

<sup>50</sup> ЕХХТнинг йиллик маърузаси. 2010. – Вена, Австрия. – 2011. – Б. 88.

<sup>51</sup> Ўша жойда.

<sup>52</sup> Қаранг: Халқ сўзи. 2014, 19 сентябрь.

<sup>53</sup> ЕХХТнинг йиллик маърузаси. 2015. – Вена, Австрия. – 2016. – Б. 90.

<sup>54</sup> <http://akadmvd.uz/mezhdunarodnye-otnosheniya/akademiya-obse> - сайт Академии МВД.

оқилона фойдаланиш бўйича туркум семинар-тренингларни ўтказиш бўйича маслаҳат гуруҳи” деб номланган кўшма лойиҳаси амалга оширилди. Ўрнатилган яқин ҳамкорлик асосида 2010 йилнинг 14 сентябрида ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси ва ОКХЖ Агентлиги ўртасида маслаҳат (сервис) хизматларини кўрсатиш бўйича битим имзоланди<sup>55</sup>.

Амударё ва Сирдарёнинг юқори қисмларида гидроиншоотларнинг, хусусан, Қамбарота ва Роғун ГЭСларнинг қурилиши катта хавотирга сабаб бўлмоқда. Шу муносабат билан, йирик тўғонлар ва гидроэнергетик объектлар қурилиши билан боғлиқ масалалар Марказий Осиё минтақаси учун айниқса катта долзарблик касб этади.

Тожикистон томони Роғун ГЭСни қуриш бўйича ўз манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ЕХХТ майдончасидан самаралироқ фойдалана олганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Бунинг учун у ЕХХТнинг сиёсий баёнотларга бағишланган тадбирларидан бир неча бор фойдаланди ва халқаро жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлашига эришишга ҳаракат қилди. Бунда кўпгина халқаро экспертлар ва ташкилотлар, шу жумладан ЕХХТ ҳам Ўзбекистоннинг сувдан фойдаланиш соҳасидаги келишилмаган ҳаракатларнинг эҳтимолий оқибатлари билан боғлиқ хавотирга кўшилмоқдалар. Бундан ташқари, улар йирик гидроэлектр станцияларининг қурилиши минтақанинг барча мамлакатлари учун хатар туғдириши, Орол инқирозини кучайтириши ва экотизимларда қайтариб бўлмас ўзгаришларга олиб келиши тўғрисида яқдил фикрдадилар.

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг минтақадаги сув муаммоларини бартараф этиш масалалари бўйича тутган йўли мамлакат Президенти лавозимига Ш.М. Мирзиёевнинг сайланиши билан оқилона йўналиш касб этди. Жумладан, Ўзбекистон Роғун ГЭС қурилишида умум қабул қилинган халқаро меъёр ва стандартларга амал қилиниши шарти билан ушбу иншоот қурилишида иштирок этиш имкониятини ҳар томонлама кўриб чиқишга тайёрлигини билдирди<sup>56</sup>.

**“Жамиятни демократлаштириш соҳасида Ўзбекистон ва ЕХХТ ўртасидаги ҳамкорлик”** деб номланган учинчи бобда жойларда ЕХХТ фаолиятининг муҳим соҳаларидан бири бўлган демократик жамият қуришнинг асосий тамойилларига амал қилиниши масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бунда ташкилот жойлардаги сайлов тизимида инсон омили ва фуқаролар ҳуқуқлари соҳасида кузатувлар олиб бориш ва амалий ёрдам кўрсатиш бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажаришга катта аҳамият бермоқда.

*“Томонларнинг “инсон омили” масаласидаги ўзаро ҳамкорлиги”* деб номланган биринчи параграфда Шарқ ва Ғарб демократияси ўртасидаги

<sup>55</sup> Финальный отчет Агентства МФСА по реализации совместного проекта с ОБСЕ «Консультативная группа по проведению серии тренингов-семинаров по рациональному использованию водных ресурсов». – Ташкент, 2010. – Б. 2.

<sup>56</sup> Ўзбекистон ва Тожикистон Президентлари Ш. Мирзиёев ва Э. Раҳмоннинг Душанбедаги музокаралар яқунлари бўйича кўшма баёноти. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали – [www.gov.uz](http://www.gov.uz)

ёндашувлардаги фарқлар тадқиқ қилинади. Бунда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Ўзбекистон давлат ва жамият тузилишини янгилаш борасида халқаро стандартларга жавоб берувчи оқилона сиёсатни амалга ошира бошлаганлиги таъкидланган.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича институционал тузилмаларни шакллантириш йўлида муҳим қадамлардан бири Ўзбекистон Республикаси парламенти ҳузурида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (Омбудсман) институтининг шакллантирилиши билан боғлиқ бўлди. Бундай институтни ташкил этиш бўйича ташаббус илк бор Ўзбекистон раҳбарияти томонидан 1995 йилнинг февраль ойида илгари сурилган эди<sup>57</sup>. Қонун лойиҳасини тайёрлашда хориждаги Омбудсманлар, ЕХХТга аъзо мамлакатлар тажрибаси ҳисобга олинди.

Ўзбекистонда мамлакат парламенти ҳузурида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил институтининг шаклланиши жараёни демократик тамойилларнинг барча меъёрларига амал қилинаётганидан далолат беради. Жумладан, 1996 йилда Вакил тўғрисидаги Қонун лойиҳаси устида иш бошланди, унда мамлакат аҳолисининг барча қатламлари иштирок этди. Бундан ташқари, Тошкентда ЕХХТ билан яқин ҳамкорликда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича семинарлар ўтказилган. Бундай тадбирларни ташкил этишда ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИХБ) катта ўрин тутди<sup>58</sup>. Худди шундай тадбирлардан бири 1996 йилнинг сентябрь ойида Тошкент шаҳрида ташкил этилди. “Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар” мавзусидаги семинар-кенгаш ишида ЕХХТга аъзо давлатлар вакиллари, халқаро, нодавлат ноτιжорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар<sup>59</sup>. Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг ЕХХТ билан яқин ҳамкорлиги ва инсон манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича институционал тузилмани такомиллаштиришга қаратилган амалий чора-тадбирлар асосида 1997 йил 24 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VIII сессиясида “Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида”ги Қонун<sup>60</sup> қабул қилинди.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича институционал тузилмани шакллантиришга доир белгиланган режалардан келиб чиқиб, халқаро стандартларга мувофиқ Ўзбекистонда бу йўналишда яна бир муҳим қадам ташланди. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини яратиш, халқаро ва ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш, давлат муассасалари ходимларининг ва бутун

---

<sup>57</sup> Олий Мажлиснинг 1995 йилнинг 29 августидagi қарори билан тасдиқланган “Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили тўғрисида”ги Низом // Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги Миллий маълумотлар базаси: [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

<sup>58</sup> ЕХХТнинг ЎзРдаги ваколатхонаси ТА. – ЕХХТнинг Ўзбекистондаги фаолияти тўғрисидаги ахборот. 1996 йил. – Б. 6.

<sup>59</sup> Нуриддинов Э.З. Международное сотрудничество Республики Узбекистан со странами Европы. – Ташкент: Чулпон, 2002. – С. 69-70.

<sup>60</sup> Закон «Об Уполномоченном Парламента по правам человека (Омбудсмене)». 24 апреля 1997 года. // Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги Миллий маълумотлар базаси: [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

аҳолининг инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 30 октябрдаги махсус Фармони билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ташкил этилди<sup>61</sup>.

Шуниси эътиборлики, Ўзбекистоннинг демократик институтлари мамлакатда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича миллий тизимни такомиллаштиришга ва шу орқали инсон омили соҳасидаги халқаро мажбуриятларни бажаришга қаратилган халқаро ташкилотлар, хусусан ЕХХТнинг кўпгина лойиҳаларида фаол иштирок этадилар. Жумладан, 2016 йил Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази ЕХХТнинг Ўзбекистондаги Лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси билан яқин ҳамкорликда «Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказининг давлат идоралари ва фуқаролик жамияти институтларининг Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқ ва эркинлари масалаларидаги халқаро мажбуриятларини бажариш соҳасидаги салоҳиятини ошириш»<sup>62</sup> лойиҳасини амалга оширди. Ушбу лойиҳа доирасида «Ўзбекистон Республикасида қонунларнинг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш» мавзусидаги ўқув-услубий қўлланма нашрга тайёрланди.

Учинчи бобнинг “*Ўзбекистон ва ЕХХТнинг сайлов тизимини такомиллаштириш масаласидаги алоқалари*” деб номланган иккинчи параграфиди ЕХХТнинг Копенгаген кенгаши ҳужжатида биноан ташкилотга аъзо давлатлар олдида сайлов тизимини такомиллаштириш борасида қуйидаги асосий мажбуриятлар қўйилганлиги таъкидланган:

эркин сайловларни ўрнатилган вақт оралиғида ўтказиш;  
халққа қонун чиқарувчи идоранинг ҳеч бўлмаганда битта палатасини тўлиқ сайлаш имконини бериш;

сайлов ҳуқуқининг умумийлиги ва тенглигини кафолатлаш;  
фуқароларнинг сиёсий лавозимларни эгаллаш ҳуқуқини таъминлаш;  
сиёсий партияларга асос солиш ҳуқуқини таъминлаш ва бу партияларнинг тенглик асосида қонун ва амалдаги ҳокимият олдида музоқара қила олишларини таъминлаш;

сайловолди кампанияларини эркинлик ва тенглик муҳитида ўтказиш имкониятини таъминлаш, бунда партиялар номзодлари, партиялар ёки сайловчиларга нисбатан маъмурий таъсир, зўравонлик, таҳдид ёки ўч олиш каби ҳолатлар қўлланилишига йўл қўймаслик;

ҳақ-ҳуқуқлар камситилишининг олдини олиш мақсадида ОАВ билан бевосита боғланиш имкониятини таъминлаш;

ёпиқ овоз беришга амал қилиш, овозларни холис ҳисоблаш ва жамоатчиликка сайлов жараёни натижалари ҳақида ўз вақтида ва холис маълумот бериш;

<sup>61</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий марказини тузиш тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. – Тошкент, 1996. – № 10. – Б. 45-46.

<sup>62</sup> Саидов А.Х., Бакаева Ф.Х., Муратова Д.К. Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази 2016 йилда (матн). – Тошкент: Baktriapress, 2017. – Б. 91.

етарли овоз тўплаган номзодларнинг ўз вақтида лавозимларига киришишларини таъминлаш ва уларга ҳокимият тепасида туриш муддати тугамагунча ўз лавозимида қолиш имкониятини бериш<sup>63</sup>.

Шу муносабат билан мамлакатимизда қарор топган бундай ёндашув ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси экспертлари томонидан юқори баҳоланмоқда. Уларнинг таъкидлашича, Ўзбекистонда ННТ ва сиёсий партиялар фаолиятини тартибга солувчи зарур қонунчилик базаси барпо этилган ва бу ушбу тузилмаларнинг жамиятни демократлаштириш, фуқаролар манфаатларини илгари суриш, фуқаролар бирлашуви эркинлигини таъминлашдаги асосий ўрнини янада оширишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикасида мустақил тараққиёт йилларида шаклланган қонунчилик асосида Президент ва мамлакатнинг қонун чиқарувчи ҳокимияти депутатлари сайловлари бир неча бор ўтказилган. Ушбу сиёсий тадбирларнинг барчаси ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг кузатувчилари иштирокида ўтган. ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси Ўзбекистон Республикаси давлат органларининг таклифларига биноан ва Баҳолаш миссияси тавсияларига амал қилиб, мамлакат Президенти ва Олий Мажлиснинг қуйи палатасига депутатлар сайлови ва сайлов тизимини кузатиш учун чекланган миссияни йўллаган эди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови 1991, 2000, 2007 ва 2015 йилларда, мамлакат парламентида сайлов эса 1994, 1999, 2008 ва 2014 йилларда бўлиб ўтган.

Айни пайтда ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси Ўзбекистон Республикасидаги сайловларни кузатиш борасида ўз фаолияти доирасида мамлакатимизда сайлов тизимини такомиллаштиришдаги асосий йўналишларга эътибор қаратди. Жумладан, қуйидаги ижобий жиҳатлар: қонунга қатъий амал қилган ҳолда мажбуриятларга риоя қилишга қаратилган ҳуқуқий негизни такомиллаштириш; ислохотларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш чоғида сайловдаги барча сиёсий рақиблар иштирокида очиқ мулоқот ва ҳамкорликни кенгайтириш бўйича сайъ-ҳаракатлар қайд этилди<sup>64</sup>.

Шу билан бир вақтда, ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси мамлакатдаги сайлов кампаниясини ташкил этишда йўл қўйилган хатоликларга ҳам эътиборини қаратади. Йўл қўйилган камчиликлар орасида: ҳуқуқий меъёрларнинг нотенг қўлланилиши; сайловчиларни рўйхатга олиш тизимида ноаниқ маълумотларнинг

---

<sup>63</sup> Обязательства ОБСЕ в области человеческого измерения. Том II. Сборник документов в хронологическом порядке. ОБСЕ/БДИПЧ. – Польша: POLIGRAFUS, 2011. – С. 65-81.

<sup>64</sup> Бюро по демократическим институтам и правам человека ОБСЕ. Годовой отчет за 2013 год. / БДИПЧ ОБСЕ. 2014. – С. 13.

киритилиши – бу сайлов ҳуқуқларининг умумийлиги ёки тенглигининг бузилишига, шунингдек, эҳтимолий ноқонуний ҳаракатларга олиб келади; ОАВдан нотенг фойдаланиш ва/ёки сайловдаги рақибларнинг ОАВда тенг ёритилмаслиги; берилган овозларни ноҳолис ҳисоблаш ва қўшиш каби салбий жиҳатлар ҳам қайд этилган эди.

## ХУЛОСА

Ушбу диссертация доирасида мамлакат олдида турган долзарб вазифаларни ҳал қилишда Ўзбекистон Республикаси ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) ўртасидаги ҳамкорлик масалаларини тадқиқ этиш қуйидаги асосий илмий хулосаларга келиш имконини берди.

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги қўлга киритилгач, ташқи сиёсий фаолиятнинг концептуал асосларини аниқлаб олиш ва жаҳон майдонида чиқиш зарурлиги мамлакат олдида турган устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб олинди. Мамлакат раҳбарияти ушбу вазифани бажаришга киришар экан, тарихан қисқа давр ичида давлатнинг ташқи сиёсий фаолияти стратегияси ва тамойиллари ишлаб чиқилди ҳамда устувор йўналишлари белгилаб олинди.

2. Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятининг тўла ҳуқуқли аъзоси сифатида ўз ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан келиб чиқиб, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ноёб халқаро тузилма – Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлишга муваффақ бўлди. Шу билан бирга, ЕХХТ фаолиятининг асосий мақсад ва йўналишлари мамлакатимиз ташқи сиёсий фаолиятининг асосий мақсадлари ва интилишларига тўлиқ мос келди.

3. Глобаллашув шароитида ва тез ўзгариб бораётган дунёда, “совуқ уруш” даврига хос бўлган Шарқ ва Ғарб ўртасидаги зиддият ўтмишга айланган бир пайтда жаҳон сиёсий майдонида инсониятга хавф солаётган янги таҳдид сифатида халқаро терроризм юзага келди.

Халқаро терроризм ўзининг гиёҳванд моддалар тарқатиш ва одам савдоси каби иллатлари билан бирга умумбашарий миқёсдаги хавфсизлик ва барқарорликнинг асосий таҳдидига айланди. Марказий Осиё минтақасида баланд мавқега эга бўлган Ўзбекистон Республикаси ушбу таҳдидни бартараф этишда фаол курашиш тарафдоридир. Бунда Ўзбекистон ЕХХТ сингари халқаро ташкилотларнинг имкониятларидан тўлиқ ва кенг қўламда фойдаланишга ҳаракат қилмоқда.

4. Экологик вазият Марказий Осиё минтақасининг самарали ва жадал ижтимоий-иқтисодий ривожига тўсқинлик қилаётган жиддий муаммо бўлиб қолмоқда. Хусусан, Орол денгизи билан боғлиқ вазият, шунингдек, чегаралараро сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари бу борадаги муаммоларнинг асосини ташкил этади.

5. Демократик жамият куришнинг асосий принципларига риоя қилиш билан боғлиқ масалалар ЕХХТ фаолиятининг муҳим соҳаси бўлиб қолмоқда. Ушбу соҳаларда Ўзбекистон Республикаси ва ЕХХТ ўртасида мустаҳкам алоқалар йўлга қўйилган бўлиб, бу мамлакатимизда барқарор қонунчилик асосларини шакллантириш ва замонавий халқаро стандартларга жавоб берадиган зарур институционал тузилмаларни яратишга ёрдам беради.

Мамлакатимиз олдида турган долзарб вазифаларни ҳал қилишда Ўзбекистон Республикасининг ЕХХТ билан ҳамкорлигини янада такомиллаштириш мақсадида қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш лозим деб топилди:

1. Алоҳида олинган мамлакат ва минтақаларга нисбатан ўзгарувчан сиёсатни ва икки томонлама стандартлардан фойдаланишни чеклаш соҳасида ЕХХТ фаолиятини қайтадан кўриб чиқиш, ташкилотнинг барча иштирокчи давлатларига нисбатан бир хил ёндашиш лозим.

2. Ўзбекистон Республикасининг тегишли вазирликлари ва идоралари Марказий Осиё минтақасидаги хавфсизлик ва барқарорлик масалалари бўйича мамлакатимизнинг халқаро ташаббусларини тарғиб қилиш ва Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини илгари суриш учун ЕХХТ майдонидан самарали фойдаланишга доир механизмларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириши мақсадга мувофиқдир.

3. Ўзбекистон ЕХХТнинг фермер хўжаликлари, кичик ва ўрта бизнес вакилларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, шунингдек, кўп тиллиликка асосланган таълимни жорий қилиш билан боғлиқ лойиҳалари ва дастурларида иштирок этишни кучайтириши лозим.

4. Томонларнинг парламентлараро ҳамкорлигини, жумладан, ЕХХТнинг Парламент Ассамблеяси билан алоқаларни янада фаоллаштириш ва тизимлаштириш тақозо этилади.

5. Ўзбекистон Республикаси сайлов тизими соҳасида аҳоли билан мулоқот қилиш, шунингдек турли сиёсий партиялардан кўрсатилган номзодлар учун сайловолди дебатларни ўтказиш учун депутатларга тенг имкониятлар беришни назарда тутувчи барча ҳуқуқий нормаларга риоя этилишига эътибор қаратиш зарур.

6. ДИИХБ ва ЕХХТ кузатувчилари Ўзбекистонда ўтказиладиган сайловлар ва улар билан боғлиқ барча тадбирларни ёритишда холис бўлишлари ҳамда салбий таассурот пайдо бўлмаслиги учун расмий манбаларга таянишлари мақсадга мувофиқдир.

**SCIENTIFIC COUNCIL NUMBER DSC 27.06.2017. TAR.01.04  
AWARDING THE NATIONAL UNIVERSITY OF UZBEKISTAN,  
KARAKALPAK SCIENTIFIC-RESEARCH INSTITUTE OF  
HUMANITARIAN SCIENCES**

---

**TASHKENT STATE PEDAGOGICAL UNIVERSITY**

**AZIZOV ILDAR RAFAELIEVICH**

**INTERACTION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN WITH THE  
ORGANIZATION FOR SECURITY AND COOPERATION IN EUROPE IN  
SOLVING URGENT PROBLEMS OF THE COUNTRY (1991-2017)**

**07.00.01 - History of Uzbekistan**

**DISSERTATION ABSTRACT OF DOCTOR OF PHILOSOPHY  
(PhD) ON HISTORICAL SCIENCE**

**Tashkent – 2019**

**The title of dissertation was registered B.2017.4.PhD / Tar219Ph.D. at the Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan.**

Dissertation has been prepared in the Tashkent State Pedagogical University.

The abstract of dissertation was posted in three languages (Uzbek, Russian, English (resume)) on the website of Scientific Council (www.ik-tarix.nuu.uz) and Information-educational portal "ZiyoNET" (www.ziyo.net.uz).

**Scientific Supervisor:**

**Nuriddinov Erkin Zuhridinovich**  
Doctor of historical sciences, professor

**Official opponents:**

**Murtazaeva Rahbar Xamidovna**  
Doctor of historical sciences, professor

**Tulkin Alimardonov**  
doctor of political sciences

**Leadin gorganization:**

**University of World economy  
and Diplomacy**

The defense of the dissertation will be held "\_\_\_" \_\_\_\_\_ 2019 at \_\_\_ o'clock at the meeting of the Scientific Council number DSc 27.06.2017.tar.01.04. on award scientific degree of Doctor of History (DSc) and Doctor of Philosophy (PhD) at the National University of the Republic of Uzbekistan. M. Ulugbek (Address: Tashkent, Almazar district, students town, st. University - 4, Faculty of History \_\_\_-floor, \_\_\_ room. Phone: (99871) 246-02-24; e-mail: info@nuu.uz).

The dissertation (PhD) is available at library of the National University of the Republic of Uzbekistan (registered under No. \_\_\_). (Address: Tashkent, Almazar district, st. University - 4, main bulding \_\_\_-floor, \_\_\_ room. Phone: (99871) 246-02-24; e-mail: info@nuu.uz).

Abstract of dissertation is delivered "\_\_\_" \_\_\_\_\_ 2019.

(Register of protocol of dilivery №. \_\_\_ from "\_\_\_" \_\_\_\_\_ 2019.)

**A.A Mavrulov**

Chairman of Scientific Council on awarding the scientific degrees, Doctor of historical sciences, professor

**D. J. Urakov**

Scientific secretary of Scientific Council on awarding the scientific degrees, Doctor of Philosophy(PhD) on historical sciences, dotcent

**G.A Aghzamova**

Chairman of the Scientific seminar under Scientific Council on awarding the scientific degrees, Doctor historical sciences, professor

## INTRODUCTION (abstract of PhD thesis)

**The aim of the study** is to reveal the process of cooperation of the Republic of Uzbekistan with the Organization for Security and Cooperation in Europe (OSCE) in solving actual issues of present.

**The object of the research works.** Formation and development of cooperation between the Republic of Uzbekistan and the Organization for Security and Cooperation in Europe from 1991 to 2017.

**The subject of the research works.** Aspects of cooperation between the Republic of Uzbekistan and the OSCE in solving actual problems of the country in connection with ensuring security and stability, assuring environmental sustainability, as well as issues related to the “human dimension.

### **Scientific novelty of the research work:**

It proves the leading role of the OSCE as a fundamental mechanism for the prevention and settlement of interethnic conflicts in the post-Soviet extent in the 1990s.

It identifies specific features, as well as the reasons for the transformation (focusing on bilateral contacts with each of the Central Asian states, discrepancies in the assessment of a number of internal political processes in Uzbekistan) of the forms, mechanisms and intensity of interaction between Uzbekistan and the OSCE;

It proves the high efficiency and effectiveness of OSCE projects in Uzbekistan in the field of enhancing the capacity of law enforcement agencies, strengthening democratic institutions and implementing advanced legislative standards in the organization of electoral processes;

It reveals main forms (implementation of joint projects, formation of platforms for discussing actual social and political issues, financing of material and technical assistance, etc.) and methods (collecting and analyzing data on various aspects of the socio-political structure of the state, lobbying western standards of legislation, raising professional qualifications of civil servants and civil society representatives, etc.) of the work of the OSCE Project Coordinator (PC) in Uzbekistan, with authority bodies and public organizations of the Republic.

**Implementation of the research results.** Scientific results and practical recommendations developed in the process of researching the issues of interaction of the Republic of Uzbekistan with the OSCE in solving actual issues of the country have been used: The issues of introducing OSCE standards into the formation of representative bodies in the field, the implementation of positive experience and the norms of legislative acts of OSCE member states aimed at strengthening the institutional foundations of representative bodies, including in the implementation of control activities have been used in the framework of the fundamental project F1-089 "State-legal directions of liberalization of state power in localities and self-government bodies in Uzbekistan", implemented by the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan in 2012-2016. (certificate of the Ministry of Innovation Development of the Republic of Uzbekistan dated February 8, 2018 No. 01-10 / 270). As a result of the project, the mechanisms for the implementation of control functions by the

Council of People's Deputies have been improved. The results of the study have been used in the development and implementation of the project “Increasing civic engagement by attracting young people in the activities of NGOs”, implemented by the National Association of Non-Governmental Non-Profit Organizations of Uzbekistan in cooperation with the OSCE (implementation act NANNOUz of April 26, 2018 04-06 / 121-01). As a result, new effective methods of involving volunteers in the activities of the “third sector” have been introduced, a base of non-governmental non-profit organizations that need volunteers has been formed, as well as volunteers themselves who wish to provide voluntary assistance to organizations. Professional knowledge and skills of managers of non-governmental non-profit organizations has been improved in working with volunteers. Justification of the historical role of the OSCE as a guarantor of stability in the territory of the geopolitical influence of this structure, as well as analysis of the main forms and methods of work of the OSCE Project Coordinator in Uzbekistan, including studies of this issue in the military-political context have been used in the development of the concept and program of the international conference under the auspices of the OSCE, organized by the Committee of the Senate of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan on issues of international relations, foreign economic relations, foreign investments and tourism on the topic: “The role of youth in preventing and countering violent extremism and radicalization leading to terrorism” (the act of implementation of the Committee of the Senate of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan on international relations, foreign economic relations, foreign investment and tourism of May 7, 2018 08 -16/582). As a result, mechanisms for coordinating the potential of the world community in countering extremism, radicalism and terrorism among young people have been improved. New ways to counter this phenomenon in the Central Asian region, including in the Republic of Uzbekistan, have been identified.

**The outline of the thesis.** The dissertation consists of an introduction, three chapters, six sections, a conclusion, a list of references. The volume of the research part of the thesis accounts for 154 pages.

**СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ  
ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ  
LIST OF PUBLISHED WORKS  
I часть (I бўлим, I part)**

1. Азизов И.Р. Взаимодействие Узбекистана с Организацией по безопасности и сотрудничеству в Европе (ОБСЕ) в деле преодоления последствий Аральского экологического кризиса // Вестник Каракалпакского отделения Академии наук Республики Узбекистан. – 2017. – № 4 (249). – С. 78-80. (07.00.00. № 23)

2. Азизов И.Р. Взаимодействие Республики Узбекистан с Организацией по безопасности и сотрудничеству в Европе (ОБСЕ) в деле противодействия незаконному обороту наркотиков // Вестник Каракалпакского Государственного университета им. Бердаха. – 2017. – № 4 (37). – С. 111-113. (07.00.00 № 18)

3. Азизов И.Р. Identity of approaches of the Republic of Uzbekistan and the Organization for Security and Co-operation in Europe in the field of human dimension // Theoretical & Applied Science (США, Philadelphia). – 2018. – № 01 (57). – P. 80-84. (№23; SJIF 5.667)

4. Азизов И.Р. «Формирование основных направлений взаимодействия Республики Узбекистан с международными организациями» на (примере ОБСЕ) // Научный вестник Андижанского государственного университета им. Захириддина Мухаммада Бобура. – 2018. №1. – С. 51-54. (07.00.00 № 16)

5. Азизов И.Р. Роль ОБСЕ в повышении потенциала негосударственных некоммерческих организаций Узбекистана // Вестник Каракалпакского Государственного университета им. Бердаха. – 2018. – № 1 (38). – С. 82-84. (07.00.00 № 18)

6. Азизов И.Р. The contribution of the organization for security cooperation in Europe (OSCE) in the processes of reforming and strengthening democratic institutions in the Republic of Uzbekistan // American Journal of Research (USA, Michigan) – 2018. – № 3-4. – P. 3-11. ((№23; SJIF 5.069)

7. Азизов И.Р. О некоторых аспектах взаимодействия Республики Узбекистан с Организацией по безопасности и сотрудничеству в Европе в деле содействия защите законных прав и интересов человека» // Научный Вестник Самаркандского государственного университета. – 2018. – № 2 (108). – С. 24-30. (07.00.00 № 8)

8. Азизов И.Р. Становление и развитие сотрудничества Республики Узбекистан с международными организациями // Материалы Республиканской научно-практической конференции «Ўзбек давлатчилиги тарихи: муаммо ва изланишлар». – 2012. Ташкент: ТДПУ. – С. 234-237.

9. Азизов И.Р. Основные характеристики волонтерской деятельности» // Сборник научных статей по итогам международной конференции «Актуальные

проблемы общества в современном научном пространстве». – 2017. – № 1 (2). Уфа, Россия. – С. 77-80.

10. Азизов И.Р. Вклад Организации по безопасности сотрудничеству в Европе (ОБСЕ) в процессы реформирования и укрепления демократических институтов в Республике Узбекистане // Сборник научных статей по итогам XV международной научно-практической конференции «Eurasiascience». – 2018. – № 15 (2). – Пенза, Россия. – С. 62-72.

11. Азизов И.Р. О некоторых аспектах установления партнерства между Республикой Узбекистан и ОБСЕ // Сборник научных статей по итогам XV международной научно-практической конференции «@Advances in Science and Technology». – 2018. – № 15 (1). – Москва, Россия. – С. 88-94.

## **2 часть (2 бўлим, part 2)**

12. Азизов И.Р. К истории создания Организации по безопасности и сотрудничеству в Европе» // Тафаккур сарчашмалари. Сборник научных статей ТГПУ им. Низами. – Ташкент, 2012. – С. 59-62.

13. Азизов И.Р. Методы и формы обучения в непрерывном образовании // Сборник научных статей. Педагогика сотрудничества в системе непрерывного образования (по материалам международной конференции). – Ташкент: ТГПУ, 2014. – С. 155-157.

14. Азизов И.Р. Роль средств массовой информации в воспитании гармонично развитого поколения на основе волонтерства // Сборник. Воспитания гармонично развитого поколения в системе непрерывного образования приоритетные задачи и пути их решения (по материалам научно практической конференции). – 2017. – Ташкентский областной институт переподготовки и повышения квалификации работников народного образования. – С. 182-184.

15. Азизов И.Р. Volunteering associational phenomenon of modern society // Научный вестник Ташкентского государственного педагогического университета. – 2017. – № 1 (10). – С. 150-153.

16. Азизов И.Р. Взаимодействие Республики Узбекистан и ОБСЕ в деле обеспечения безопасности и стабильности в Центральноазиатском регионе // Қарши давлат университети. «ҚарДУ хабарлари». – 2018. – № 2. – Б. 74-77.

17. Азизов И.Р. Взаимодействие Республики Узбекистан с Организацией по безопасности и сотрудничеству в Европе (ОБСЕ) в деле обеспечения экологической безопасности и устойчивого развития» // Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси. – 2018. – № 3. – Б. 24-27.

18. Азизов И.Р. Исторические обстоятельства присоединения Узбекистана к СБСЕ/ОБСЕ // Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси. – 2018. – № 3. – Б. 92-98.

19. Азизов И.Р. Роль ОБСЕ в обеспечении коллективной безопасности в Центральноазиатском регионе // “Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар”. Илмий-методологик ва илмий-услубий журнал. – 2018. №1. – Б. 43-46.

Авторефератнинг рус ва ўзбек тилларидаги матни «Ўзбекистон тарихи»  
журнали таҳририясида таҳрирдан ўтказилди

Бичими 60x84<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Рақамли босма усули. Times гарнитураси.  
Шартли босма табағи: 3. Адади 100. Буюртма № 48.

«Тошкент кимё технология институти» босмахонасида чоп этилган.  
Босмахона манзили: 100011, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 32-уй.